**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Маданият вазирлиги ҳузуридаги**
**“Ягона буюртмачи хизмати”**
**инжиниринг компанияси**
**директори в.в.б**

**_______________ Т.Очилов**

**Иш (хизмат/товар) номи:**

**Самарқанд шаҳридаги Х.Олимжон номидаги мусиқали драма театри биносининг техник холатини ўрганиш**

# ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТИ

**Тошкент 2022й.**



**МУНДАРИЖА**


| | |
|---|---|
| I. Боб. | Иштирокчига кўрсатма |
| II. Боб. | Энг яхши таклифларни танлашнинг таклиф шакллари |
| III. Боб. | Тижорат қисми |
| IV.Боб | Баҳолаш мезонлари |

## I. БОБ. ИШТИРОКЧИГА КЎРСАТМА

### I. Умумий маълумот

Энг яхши таклифларни танлашнинг предмети

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Иштирокчига энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

### II. Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатининг таркиби

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига аниқлик киритиш

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

### III. Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини тайёрланиши

Энг яхши таклифларни танлашда қатнашиш харажатлари

Энг яхши таклифларни танлашда қўлланиладиган тил

Энг яхши таклифларни танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Энг яхши таклифларни танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

### IV. Энг яхши таклифларни танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг очилиши

### V. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Энг яхши таклифларни танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

### VI. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Энг яхши таклифларни танлаш шартлари

Шартномани имзолаш



## I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан буён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

**Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:** Самарқанд шаҳридаги Х.Олимжон номидаги мусиқали драма театри биносининг техник холатини ўрганиш бўйича махсус ташкилотни аниқлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) ўтказиш кўзда тутилган.

Буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нарх:

**ҚҚС билан – 400 000 000 сўм;**

**ҚҚСсиз – 347 826 086 сўм.**

**Лойиҳа-қидирув ишларини тугаллаш муддати: 30 кун.**

Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш/ товарлар етказиб бериш) учун энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг тижорат қисмида кўрсатилган талабларга асосан бажариши шарт.

### 2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Самарқанд шаҳридаги Х.Олимжон номидаги мусиқали драма театри биносининг техник холатини ўрганиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш ҳужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

**Буюртмачи** – Маданият вазирлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК;

Манзили: Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Тошбулоқ кўчаси 8 А,Б уй;

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи – Э.Элмахматов;

Тел.: 71-250-15-28.

### 3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлаши натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

**Танлашнинг ташкилотчиси** – Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

Танлаш ҳужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www. xarid.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

**4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда харид комиссиясининг вазифалари:**

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди ва қарор қабул қилади.

**Иштирокчи** – мулкчилик шаклидан қатъий назар, энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларида кўрсатилган ишлар (хизматларни кўрсатиш) бажариш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат Танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

**5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар.**

5.1. Танлаш таклифларини тайёрлайди ва харид комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Харид комиссиясининг сўровига кўра).

5.2. Иштирокчининг таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

– юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

– Лойиҳа-қидирув ишларини олиб бориш учун махсус лицензия нусхаси;

– солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;

- иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (1-шакл);

- иштирокчининг молиявий холати тўғрисида маълумот (2-шакл)

- Иштирокчининг охирги 3 йилдаги ўхшаш ишлар (хизматлар кўрсатиш, товар етказиб бериш) бўйича тажрибаси тўғрисида маълумот (3-шакл);

- иштирокчининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати (4-шакл);

5.3. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчисининг таклифи товарнинг техник талабларига ҳамда юқоридаги Танлаш ҳужжатининг 5.2-банди талабларига мос келмаса харид комиссияси **таклифни рад этади**.

5.4. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

– шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

– шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

– солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;

– инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

– ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;

– имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлмаган;

– аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;



5.5. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

**6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

### 7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Иштирокчиларнинг таклифлари танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

7.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### 8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун харид комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Харид комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### 9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 2 кун олдин харид комиссиясининг қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилишга ҳақлидир.



## III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

### 10. Танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклиф нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Иш (хизмат,товар) нархи таклифга барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш, маҳсулотни етказиб бериш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### 11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

### 12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлаш таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда иштирокчи учун кўрсатманинг **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар электрон платформага жойлаштирилади.

Таклифда иштирокчига кўрсатманинг 5.2-бандида кўрсатилган маълумотлар бўлиши лозим.

### 13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Иштирокчи таклиф этилаётган ишлар (хизмат/товар) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

### 14. Муқобил таклифлар

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган ишлар (хизматлар, товарлар) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

### 15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига кўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Агар таклифни киритган танлаш иштирокчисининг таклифи Иштирокчига кўрсатманинг ҳамда ишлар (хизмат/товар)нинг техник талабларига мос келмаса харид комиссияси таклифни рад этади.

15.4. Белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилиши ҳужжатларни нотўғри тайёрлангани ёки тақдим этилганидан далолат беради.

Бундай ҳолатлар харид комиссияси йиғилиш баённомасида қайд этилади ҳамда иштирок этаётган вакилларга маълум қилинади.

Бунда харид комиссияси ва буюртмачи ҳужжатларнинг бут сақланиши ва тўлиқ бўлишига жавобгар ҳисобланмайди. Шу сабабли иштирокчи келгусида ушбу масала юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

### 16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда топшириши керак.

16.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда харид комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

### 17. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати

17.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан электрон платформага жойлаштиради..

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш иштирокчиси томонидан танлаш ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### 18. Танлаш таклифларининг очилиши

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

18.2. Танлаш таклифлари очилгандан кейин танлаш ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Харид комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш иштирокчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.



## V. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

### 19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Харид комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш бир босқичдан иборат бўлиб, Танлаш ҳужжатларининг V-бобига мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

19.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

19.4. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари иш (хизмат, товар) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

19.5. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

19.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.7. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, иш бажаришдан (хизмат кўрсатишдан, сифатли товар етказиб беришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.9. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.10. Танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор харид комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда харид комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

19.11. Харид комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.12. Харид комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва харид комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.13. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.Etender.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

19.14. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

19.15. Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

### 20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, иш (хизмат, товар) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, иш (хизмат, товар) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари иш (хизмат, товар) ларнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса;

танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинмаган бўлса.

20.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

### 21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

21.2. Танлашда ғолиб чиққан иштирокчи буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда шартномани бажариш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи.

Заҳирадаги ғолиб – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклиф қилган иштирокчи.

21.3. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасинң www.dxarid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.4. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

21.5. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.



### 22. Шартномани имзолаш

22.1. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини ўз муддатида бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## II. БОБ. Танлаш таклиф шакллари



1 - Шакл

**Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги**
**умумий ахборот**

Танлов иштирокчисининг номи___________________

Рахбарнинг фамилияси исми,
ва отасининг исми___________________
Манзил ва телефон (факс) раками ___________________
Юридик макоми___________________
Ташкил этилганлиги санаси (буйрук ёки карор ким томондан берилган) ___________________
Фаолияти тури буйича ихтисослашуви___________________

Рахбар ва унинг уринбосарлари:

| Тар. рақами | Ф.И.Ш. | Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги ) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Умумий иш тажрибаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

Асосий ходимлар (ГИП,ГАП ва бошқалар)

| Тар. рақами | Ф.И.Ш. | Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги ) | Иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Умумий иш тажрибаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Доимий ходимлари (ишчилар)

| Тар. рақами | Мутахасисликлар номи | Мутахасислиги бўйича жами ходимлар сони | Шундан мутахасислигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлганлар | Шундан ЛСХ тайёрлаш сохасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами: | | | |
| | Шундан | | | |
| | ГИПлар | | | |
| | ГАПлар | | | |
| | Лойихачилар | | | |
| | Сметчиклар | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ________________ (имзо) ____________ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «___» ___________
М.Ў.

*Изох: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).*

## Танлаш иштирокчисининг молиявий холати.
**охирги 3 йилдаги молиявий хисоботлари асосида**

Танлов иштирокчисининг номи________________________________

( минг сум )

| *АКТИВЛАР* | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | *ПАССИВЛАР* | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Узок муддатли активлар | | | | Узлик маблагларнинг манбалари | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав капитали | | | |
| Шу жумладан ишлаб чикариш захиралари | | | | Таксимланмаган фойда | | | |
| ҚОЛДИҚ киймат | | | | Мажбуриятлар | | | |
| Капитал куйилмалар | | | | Карзлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чикариш | | | | Кредитор карзлар | | | |
| Жорий активлар | | | | Шундан тулов муддати утган карзлар | | | |
| Айланма маблаглар | | | | Шундан бюджет буйича карзлар | | | |
| Улардан ишлаб чикариш захиралари | | | | Мехнатга хак тулаш буйича карзлар | | | |
| Дебитор карзлар | | | | | | | |
| Шу жумладан тулов муддати утган карзлар | | | | | | | |
| Балансининг активи буйича жами | | | | Балансининг пассиви буйича жами | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

( минг Сум )

| НОМИ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | НОМИ | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| ***2. Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда*** | | | | Шу шундан асосий фаолятдан фойда | | | |
| ***3. Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш таннархи*** | | | | Умумхужалик фаолиятидан | | | |
| ***4. Админстратив харажатлар*** | | | | 9. Асосий фаолиятнинг фойдаси | | | |
| ***5. Бошка харажатлар*** | | | | 10. Умумхужалик фаолятининг фойдаси | | | |
| ***6. Даромад солиги тулангунга кадар фойда*** | | | | 11. Зарар | | | |
| ***7. Даромаддан солик*** | | | | Шу жумладан: асосий фаолятдан | | | |
| | | | | Умумий хужалик фаолятидан | | | |

Баланс фойдаси______________________________________________

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар____________ (имзо) Бош хисобчи____________ (имзо)

М.Ў.

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «____» __________

*Изох: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).*





## Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда бажарган иш тажрибаси
(2019 й.-2020й-2021 й )

Танлаш иштирокчисининг номи:________________________________

Ахборотингизда сўралган йиллар давомида ўзингиз иштирок этган барча объектларини санаб ўтишингизни сўраймиз.

| № | Объектнинг номи ва жойлашув манзили | Буюртмачининг номи | Тузилган пудрат шартнома-нинг нархи | Катнашиш шакли *(бош пудратчи ёки ёрдамичи пудратчи)* | Катнашиш улуши *(бажарил ган иш хажмини фоизлар хисобида кўрсатинг)* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар: ____________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «____» __________

М.Ў

*Изох: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).*

4 - Шакл

**Танлов иштирокчисининг лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати**

| Оргтехника ва механизмлар номи | Русуми | Донаси | Ишлаб чикарилган йили | Куввати |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ______________ (имзо) ______________ (Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «___» __________

М.Ў.

*Изох: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).*



5 - Шакл

______________________________
(*Буюртмачининг номи*)

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН БУЮРТМА**

1. Биз қуйида имзо қўйувчилар юқорида кўрсатилган объект бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларни ўрганган холда, объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини **а)** ____*рақам билан*____ (____*сўз билан*____) Қўшимча қиймат солиғи билан сўмга бажариб бериш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

2. Агарда бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, ЛСҲ тайёрлаш ишларини __**кун**__ давомида якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Буюртмачи унга таклиф этилган энг кам нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини изхор қиламиз.

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: ______________ (имзо) ______________. (Ф.И.Ш)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «___» __________

М.Ў.

*Изох: Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши шарт.*

**Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини умумий жадвали**

Илова килинаётган умумий жадвалда кузда тутилаётган ишлар дастури ва уларни бажариш муддатларини англатади.

| Т.р. | Ишлар тури | Ишларни якунланиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси: __________ (имзо) __________. (Ф.И.Ш)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «__» __________

М.Ў.

*Изохлар: Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши шарт;*

*Қўшимча таълаб этиладиган хужжатлар;*

*1. Гувохнома*

*2. Лицензия*

*3. Давлат солиқ инспекциясидан маълумотнома.*



**Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби**

1.1. Ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш, товар етказиб бериш) учун талаб қилинган нархларни ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

1.2. Иш (хизмат,товар) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар ишларни бажаришни (хизмат кўрсатишни, товарлар етказиб беришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**2. Танлаш валютаси**

2.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

**3. Ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш, товар етказиб бериш) шартлари ва муддати**

3.1. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

**4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Олдиндан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

**5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш, товар етказиб бериш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига** мос бўлиши лозим.

## V.БОБ. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ташлаш иштирокчилари таклифларини ҳисоблаш Etender.uzex.uz электрон платформасидаги объектнинг эълонида кўрсатиб ўтилганшартларда балл қўйиш орқали аниқланади.